

**“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”
акциядорлик жамиятининг Коррупцияни олдини олиш бўйича
комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар.

- 1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзмиллийбанкнинг Коррупцияни олдини олиш бўйича комиссиясининг (кейинги ўринларда - Комиссия) асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.
- 1.2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга асосан амалга оширади.
- 1.3. Комиссия “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Ўзмиллийбанк) Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади ҳамда коррупцияни олдини олишга доир чора - тадбирларнинг самарали ижро этилишини назорат қилувчи доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳи ҳисобланади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари.

- 2.1. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:
 - Ўзмиллийбанкнинг коррупцияни олдини олишга қаратилган чоралар бўйича йиллик режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш;
 - тасдиқланган йиллик режага мувофиқ коррупцияни олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкиллаштириш ва чора-тадбирларни ўтказиш;
 - Ўзмиллийбанк департаментлари, мустақил бошқармалари, филиалларида коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;
 - Коррупцияни олдини олиш масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ташкиллаштириш;

III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

- 3.1. Комиссия коррупцияни олдини олишга доир тадбирларини амалга ошириш борасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- Ўзмиллийбанк департаментлари, мустақил бошқармалари ва филиаллари раҳбар ва ходимларидан ёзма ва оғзаки шаклда ахборот, маълумот ва тушунтиришлар олиш;
 - Ўзмиллийбанк департаментлари, мустақил бошқармалари, филиалларида тегишли фармойиш асосида хизмат текширувлари ташкил қилиш;
- 3.2. Комиссия қуйидагиларга мажбур:
- Коррупцияни олдини олиш бўйича тасдиқланган йиллик режа ижросини назорат қилиш ва таъминлаш;
 - Коррупцияни олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида Ўзмиллийбанк раҳбариятига ҳисобот бериш.

IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш.

- 4.1. Комиссия Ўзмиллийбанк Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари томонидан бошқариладиган доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳи ҳисобланади.
- 4.2. Комиссиянинг шахсий таркиби 10 кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби Ўзмиллийбанк Бошқаруви Раисининг фармойиши асосида тасдиқланади.
- 4.3. Комиссия раҳбари комиссия йиғилишларини чақиради, йиғилиш ўтказиш саналарини белгилайди ва бу ҳақда гуруҳ аъзоларини хабардор қилади.
- 4.4. Комиссия раҳбари ва аъзолари унинг йиғилишларида шахсан қатнашиши, комиссия қарорлари ижросини белгиланган тартиб ва муддатларда таъминлаши лозим.
- 4.5. Комиссия йиғилишида аъзоларнинг камида 70 фоизи қатнашганда кворум тўпланган ҳисобланади.
- 4.6. Комиссия йиғилиши қарорлари унда қатнашаётган гуруҳ аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, комиссия раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
- 4.7. Комиссия қарорлари йиғилиш баёни билан расмийлаштирилади ҳамда йиғилишда иштирок этган комиссия раҳбари ва аъзоларининг имзолари билан тасдиқланади.
- 4.8. Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида унинг йиғилишларига Ўзмиллийбанкнинг филиаллари ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциациясининг малакали мутахассислари жалб этилиши мумкин.
- 4.9. Комиссия аъзолари ўртасидаги мажбуриятлар тақсмоти комиссия раҳбари томонидан белгилаб берилади.
- 4.10. Комиссия Ўзмиллийбанк Бошқаруви олдида ҳисобдордир.

V. Бошқа қондалар.

- 5.1. Мазкур низом Ўзмилийбанк департаментлари, мустақил бошқармалари ва филиаллари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган ички ҳужжат ҳисобланади.
- 5.2. Ушбу низомда кўзда тутилмаган масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.
- 5.3. Ушбу Низом кучга кириши билан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг “Коррупцияни олдини олиш бўйича комиссияси тўғрисида”ги Низом (2016 й. 3 июндаги 428 сонли) ўз кучини йўқотади.